АНДИЖОНДА АСАЛАРИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

М. Мамажонов

Мақолада асаларичиликнинг халқ хўжалигидаги ҳамда табобатдаги аҳамияти, соҳани ривожлантириш имкониятлари ва муаммолари, бу борада мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар ва улар асосида Андижон вилоятида амалга оширилаётган ишлар ёритилган.

***Калит сўзлар**: асаларичилик, асал, мум, ўрмон хўжалиги, доривор ўсимликлар, табобат.*

В статье освящается роль пчеловодства в народном хозяйстве и медицине, возможности развития данной отрасли и её проблемы, предпринимаемые в нашей стране меры в этом направлении и осуществляемые на этой основе мероприятия в Андижанской области.

***Ключевые слова**: пчеловодство, мед, воск, лесное хозяйство, лекарственные растения, медицина.*

The article describes the importance of bee-keeping in the national economy and medicine, and the possibilities of developing this branch and problems facing the specialists of this field as well as measures taken in our country and in Andijon region particularly.

***Key words**: bee-keeping, honey, forestry, herbal plants, medicine.*

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида киши бошига йилига ўртача 1,5-2 килограмм асал истеъмол қилинар экан. Мамлакатимизда ҳам асални кўпчилик жуда яхши кўради. Шунга мос равишда унга бўлган талаб доимо юқори. Асаларичилик ҳам халқ табобати, ҳам озиқ-овқат саноатида муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳа қишлоқ хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан сердаромад ва қизиқарли йўналишларидан бўлиб, тўйимли ва шифобахш асал ҳамда асалари муми тиббиёт ва саноат учун қимматли бўлган маҳсулотлардир.

Муҳими шуки, юртимизнинг сахий табиати, иқлими ушбу соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар тақдим этган. Ватанимиз ҳудудида ўсадиган доривор ва зиравор ўт-ўланлар нафақат турли касалликларни даволаш, балки инсон организми қувватини ошириш, меҳнат қобилиятини яхшилаш, организмнинг ҳимояланиш тизимини мустаҳкамлаш ва кимёвий моддаларсиз косметик хом ашё сифатида ва бошқа қатор мақсадларда яхши фойда бериши исботланган. Синтетик ва кимёвий тараққиёт кўламига қарамай, ҳозирда дори воситаларининг 45 фоизи доривор ўсимликлардан тайёрланади. Агар шу хўжаликларда асаларичилик янада ривожлантирилса, олинган маҳсулот халқимиз саломатлигини яхшилашда қай даражада фойдали бўлишини гапирмаса ҳам бўлади. Мамлакаимизда шу йўналишда дастлабки ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, “Шифобахш” илмий-ишлаб чиқариш маркази республикамиз ҳудудларидаги фойдали ўсимликларни маҳаллий тарзда етиштиришга ихтисослашган 5 та ўрмон хўжалигини қамраб олади. Бу хўжаликларда “Қизил китоб”га киритилган ноёб тур ўсимликлар ва дориворлар ўстирилади. Бу хўжаликлар ҳар йили дори-дармон ишлаб чиқариш корхоналарига ўз ҳудудида етиштирилган 35 турдаги ўсимликлардан иборат 150 тоннадан ошиқ хом ашё етказиб беради. Ушбу хўжаликларда ташкил қилинган асаларичилик хўжаликлари икки тарафлама фойдали. Асаларилар гул ширасини йиғиб асал беради, шу билан бирга ўсимликларнинг ривожланишида муҳим омил бўлади, экинларнинг ҳосилдорлигини оширади. Доривор ўсимликлардан йиғилган асал янада шифобахш ва ифорли бўлади. Шунинг учун ҳар иккала соҳани бирваракайига барқарор ривожлантириш бугунги куннинг муҳим масаласидир, дейишмоқда соҳа мутахассислари.

Бу масаланинг долзарблигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан БМТ кўмагида ёғоч ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган ўрмон хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни такомиллаштириш, жумладан, асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни “Info Capital Group” МЧЖ ўз зиммасига олган.

2014 йил 10 январда “Info Capital Group” МЧЖ томонидан журналистлар учун навбатдаги матбуот анжумани ташкил этилди. Унда ОАВ вакилларига лойиҳа доирасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, “Info Capital Group” МЧЖ томонидан табиий доривор ўсимликлар ва асалнинг инсон организмига фойдаси ҳамда бу соҳаларни ривожлантириш-

га қаратилган лойиҳа ҳақида омманинг хабардорлигини ошириш мақсадида қатор қўлланмалар ва плакатлар нашр этилди. Тадбирда соҳа мутахассислари ушбу қўлланма ва кўргазмали тарғибот воситалари ҳақидаги тақдимотни намойиш этишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги "Республикада 2014 йилда қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик ишлари ҳамда сервис хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш тўғрисида"ги № 01-03-42-8 сонли йиғилиш баёни ҳамда Андижон вилоят ҳокимининг 2014 йил 23 январдаги № 15-Қ сонли қарори соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Асаларичилик соҳасига ҳукумат томонидан берилаётган катта эътибор туфайли Андижон вилоятида бу борада кўплаб ишлар қилинди. Натижада асаларичилик билан шуғулланувчилар сони кескин кўпайиб, бозорларимизда асал мўллигига эришиляпти.

Жорий йилнинг март ойида Андижон давлат ўрмон хўжалиги, вилоят асаларичилар уюшмаси ва "Муроджон асали" МЧЖ ҳамкорлигида Андижон туманида вилоятдаги барча асаларичилик субъектлари раҳбарлари иштирокида ўқув семинари ўтказилди. Йиғилиш кун тартибига мувофиқ асаларичиликни ривожлантириш дастурига асосан амалга ошириладиган долзарб вазифалар, жумладан, асал ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини кўтариш, наслчилик ишларини яхшилаш ва бунда Карпат зотли она арилардан фойдаланиш каби масалалар атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳар чорак якунида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича кўрилган чораларни муҳокама қилиб, олдиндаги вазифалар ва топшириқларни бажаришга келишиб олинди.

Асалари оилалари табиий озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида қурғоқчиликка чидамли, нектарга бой дарахт ва бута ўсимликларини экиш йўлга қўйилди, 1 га майдонда каштан, 1 га майдонда наъматак, 1 га майдонга сафора экилди, 1 га майдонда амарант ўсимлиги экилди. Бундан ташқари, Избоскан туманидаги "Избоскан асали" фермер хўжалиги томонидан стевия ўсимлигини ўстириш ва ундан қиём ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида ишланмоқда.

Ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида асаларичилик мутахассислиги бўйича таълим олаётган ўқувчиларни соҳа бўйича амалий кўникмаларини ошириб бориш мақсадида вилоятимиздаги асаларичилик фермер хўжаликларига амалиёт ўташ учун бириктириб қўйилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалик экинларига қарши препаратларни қўллашда белгиланган хавфсизлик чораларига риоя қилиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилиб, вилоят "Асаларичилар уюшмаси" ҳамда "Муроджон асали" МЧЖ лар томонидан асаларичилик субъектларига етказилди.

Пахтачилик асаларичиликда катта ўрин тутиши билан ажралиб туради. "Андижон-35", "Андижон-36", "Андижон-37", "Наманган-77", "С-6524", "Полоқ-2" пахта навлари гулига асалариларни қўйиш учун илмий-эксперимантал фермер хўжаликлари билан асаларичилик субъектларининг алоқаси ўрнатилди. Жумладан, Андижон туманидаги Ибн Сино номли илмий- эксперимантал фермер хўжалиги билан Исмоилжон Қобилов асаларичилик субъекти уч йилдан буён ҳамкорлик қилмоқда.

Зотларни яхшилаш учун асаларичилик наслчилик хўжаликлари билан четдан асалари оладиган субъектлар ўртасида шартнома имзоланиб, жорий йилнинг июль ойида "Муроджон асали" МЧЖ ва Фарғона вилояти асаларичилар уюшмаси билан биргаликда марказлашган ҳолда она арилар олиб келинди.

Вилоятда ўтган йили режада белгиланган 50 та ўрнига 99 та янги асаларичилик субъекти ташкил этилиб, йил охирида уларнинг сони 472 тага етказилди. Асалари оилалари сони эса 5817 тага кўпайтирилиб, 33000 оилага етди. Тижорат банклари томонидан ушбу тармоқни ривожлантириш мақсадида 2012 йилда 984,2 миллион сўм кредит ажратилган. Кўринадики, асаларичиликни қишлоқ хўжалигининг энг сердаромад тармоқларидан бирига айлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, соҳада сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Буни вилоятда асал ишлаб чиқариш йил сайин ошиб бораётгани ҳам исботлайди. Масалан, асаларичилар томонидан 2010 йилда 188 тонна, 2011 йилда 240 тонна асал етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 316 тоннани ташкил этди.

Муваффақиятларимизни ҳар қанча санаб ўзимизни юпатмоққа уринмайлик, бу соҳада аҳвол жиддий ва мураккаб эканлигини тан олмасдан ўзга чора йўқ. Асаларилар – бу миттигина беозор заҳматкашлар бутун дунё миқёсида кескин суръатда камайиб бормоқда. Агар асаларилар Ер юзидан бутунлай йўқолиб кетгудай бўлса, ҳаётимизнинг мувозанати издан чиқиб, таҳликали ҳолат юзага келиши мумкин. Буни тушуниш, билиб ва англаб олиш учун етакчи мутахассисларнинг ёки олимларнинг алоҳида башоратларини

кутиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Теварак-атрофга бир қур назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ўт-ўланлар, дов-дарахтлар, қўйингки, яшаб-яшнаб турган атроф-муҳит ривожига асаларилар ўзларининг ғоят катта беминнат улушларини қўшади. Шундай экан, асаларларнинг қирилиб кетишини тўхтатиш, уларни асраб қолиш учун кўп ишлар қилиниши лозим.

Асаларини қиш палласида сунъий озиқлантиришни йўлга қўйиш мақсадида мавжуд асалари оилаларини сонини аниқлаб, талаб даражасидаги шакар маҳсулотини етказиб бериш чорасини кўриш ариларни қиш мавсумидан беталофат олиб чиқиш асаларичиликни сақлаш, ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишда муҳимдир.

Табиий ва сифатли асал йиғишни кўпайтириш мақсадида асаларичилик билан шуғулланаётган хўжаликларни, асалари оилалаларини ўсимликларнинг гуллаш даврига қараб бир жойдан бошқа жойга кўчириш, иложи борича ўрмон, тоғли ҳудудларга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Асалари оилаларини автотранспорт ҳаракати хавфсизлигига амал қилган ҳолда, об-ҳаво ҳолати яхши вақтда, йўлда узоқ муддат тўхтаб қолмаган ҳолда кўчириш керак. Иккинчи томондан, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-ҳосил етиштириш учун гуллаш мавсумида асаларилар экинзорлар атрофига, боғларнинг қатор ораларига жойлаштирилса, гуллар самарали чангланиб, ҳосилдорлик ошади. Бу тадбир иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Барча турдаги асаларичилик субъектларида асаларига юқадиган турли хил касалликларнинг олдини олиш мақсадида зооветеренария хизмати томонидан мунтазам назорат ва эмлаш тадбирларининг ўтказиб турилиши соҳани ривожлантиришда ўта муҳим ҳисобланади.

Вилоятимизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш дастури изчил амалга оширилмоқда. Асаларичилик хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тармоққа замонавий технологияларни киритиш, зооветеринария хизматини яхшилаш, талаб этиладиган жиҳозларни маҳаллийлаштириш йўли билан ишлаб чиқариш, соҳани илмий асосда ривожлантириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш, маҳсулотни қайта ишлаш, экспорт қилиш ишларига устувор аҳамият берилган.

Аҳолини сифатли асал маҳсулотлари билан таъминлашда вилоятимизнинг марказий бозорларида, туманларнинг деҳқон бозорларида асал сотиш расталарининг мавжудлиги, уларнинг санитария ҳолатлари бугунги кун талабига жавоб берадиган ҳолатга келтирилган, тайёр маҳсулотларни тиббиёт лаборатория назоратидан мунтазам ўтказилиб турилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда яхши самара бермоқда.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ушбу тармоқни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Натижада асаларичилик билан шуғулланувчилар сони кескин кўпайиб, бозорларимизда асал мўллигига эришиляпти.

Адабиётлар:

1.Усмонов И. Асал хосиятлари.- Т.: Истиқлол, 2006.
2.Усмонов И., Қосимов Х. Асал ва сут.- Т.: Насаф, 2009.
3.Собиталиев М. Дардларга даво асал.- Т.: Муҳаррир, 2011.
4.Мамасолиев С., Ҳошимов Н. Асалари – фойда бари.- Т.: Дизайн-пресс, 2012.

Андижон давлат университети,
2014 йил 24 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Исаев)